## ЗУЛМАТДА НУР




**Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Нодонлик, тушунмаслик — кўрликдан ёмонроқдир”, дедилар. Қуръон ҳукмича, иймон-исломни билиб олгандан кейин ҳар бир мусулмонга ўз замонаси илмини ўқиб тушуниши ва замонавий ҳунарларни ўрганиши биринчи заруратдир.**

**2-бет**

## ПУТИННИНГ УШАЛМАЁТГАН ОРЗУСИ



**Мана ўн йилдирки, Россия Жаҳон савдо ташкилотига кириш учун тинимсиз ҳаракат қилмоқда. Бироқ ЖСТ “Варшава шартномаси” ёки Славян давлатлари иттифоқи эмас. Унинг ўзига хос қонун-қоидалари, талаблари бор. Ташкилотга киришни истаган ҳар қандай давлат ана шу мезонларга мос келиши керак. Ҳатто у Россия бўлса ҳам.**

**3-бет**

## ТАҚДИРГА ИСЁН



**“Одамзот ҳаракат қилишдан кўра фикр қилишни афзал кўрган пайтда кузатувчилар кўпаяди, қаҳрамонлар эса йўқ. Одамзот ўз ниҳоясига етаётгани шундан бошланади”.**

**4-бет**

Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№30 (336) 2003-yil 30-iyul

**ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ**

1 АҚШ $ — 974,42 сўм

1 ЕВРО — 1117,85 сўм

«Ҳуррият» сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.

**Жараён**

# ҲАММАМИЗ ҲАМ ФАОЛМИЗМИ?

***Кейинги беш йил ичида Хоразм вилоятида оммавий ахборот воситалари сони қарийб икки баробарга ортди. Ҳозир вилоятда 28 номда газета ва журналлар нашр қилинаяпти. Вилоят телерадиокомпанияси фаолият кўрсатаяпти. Лекин чуқурроқ ўйлаб қаралса, замон талабларига асосан демократия андозалари даражасида фаолият кўрсатиш учун бунинг ўзи етарли эмас. Мавжуд ижодий салоҳият жабҳада туб ва кескин бурилишлар ясаш учун кифоя қилмаслиги аниқ. Бунинг, албатта, ўзига хос сабаблари бор.***

Бозор муносабатлари тамойиллари, замон талаби, эртанги кун ўқувчисини ўзига жалб этадиган омилларни етарли даражада англамаслик оқибати аксарият оммавий ахборот воситалари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Деярли барча нашрларнинг даврийлиги ва адади қисқарди. Бу ўз навбатида ижодкор ходимлар сонининг ҳам қисқаришига олиб келди. Айни пайтда аксарият нашрларга ёш, истиқболли ва малакали кадрларнинг келиши сезиларли камайди. Бундан воҳа матбуотининг малакали журналист кадрларга нисбатан муҳтожлиги даражасини илғаб олиш қийин бўлмайди. Манзарага яқинроқдан разм соладиган бўлсак, “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмкая правда” газеталарида ишловчи журналистларнинг ўрта ёши 60 ни қоралаб қолганлигини кўрамиз. Бундай ҳолга вилоят телерадиокомпаниясида ҳам дуч келишингиз мумкин. Ўз ўқувчиларини кўпроқ йўқотган нашрлар ҳақида гап кетар экан, бунга биринчи навбатда шаҳар ва туман газеталарини мисол қилиб кўрсатса, ўринли бўлади.

Хўш, бундай вазиятда ижодкор ўз йўлини тўғри танлай оладими ва оммавий ахборот воситасини ҳозирги замон ўқувчиси дидидаги ўзанларга бура оладими?

Ўтган йили воҳа қаламкашларининг бир анжуманида малакали журналист кадрлар етишмовчилиги масаласи кўтарилди. Йиғинда иштирок этаётган вилоят ҳокими И. Бобожонов масалани пайсалга солмади. Урганч давлат университети ва тегишли оммавий ахборот воситалари раҳбарлари олдига малакали журналист кадрларни тарбиялаб етиштириш масаласини қўйди. Ана шундай эҳтиёждан сўнг вужудга келган вилоят “Пресс-мадад” нодавлат-нотижорат маркази фурсатни бой бермай, ўзаро ҳамкорликка бел боғлади. Ҳозир университет ва журналистлар марказининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари боис илм масканининг бир гуруҳ иқтидорли талабалари ўқишни келгусида мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлари журналистика факультетларида давом эттириш учун астойдил интилиб, изланаяптилар.

Журналист кадрларга бўлган эҳтиёжни балким шу каби саъй-ҳаракатлар йўли билан бир қадар қондирса бўлар. Бироқ мавжуд оммавий ахборот воситалари ва журналистлар олдида анча жиддий ва масъулиятли вазифалар турганлигини ҳам бир карра эслатмоқ жоиз.

Энг асосий вазифа, бизнингча, замон нафасини илғамоқ ва унинг талабларини сўзсиз бажо келтирмоқдан иборат.

Шу ўринда миллий матбуотимизни тўғри ва истиқболли йўлларга бошлаётган, уни моддий, амалий ва маънавий жиҳатдан беминнат қўллаб-қувватлаётган қатор халқаро ташкилотлар ва жамғармаларнинг роли ва хизматини таъкидламоқ жоиз. Аммо юртимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг барчаси мазкур хорижий ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликка пешвоз чиқа оладими? Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни бу борадаги ҳамкорликлар учун кенг ҳуқуқ ва катта имтиёзлар йўлини очиб беради.

Яқинда бўлган катта йиғилишларнинг бирида Урганчдаги “Мансура” аёллар маркази ва Урганч давлат университети қошида фаолият бошлаган “Эко-халос” жамияти шаънига илиқ сўзлар айтилди. Бунинг боиси бор. “Мансура” аёллар маркази шаҳарнинг бир нечта маҳаллаларидаги ишсиз аёллар (уларнинг аксарияти — ёшлар) учун бепул тикувчилик ва бичувчилик курсларини ташкил этди. Бу тадбирни шу соҳада ўзини кўрсатган бир неча нафар малакали мутахассислар кўмагида рўёбга чиқаришди. Кейинчалик хорижий жамғарма томонидан эълон қилинган танловда қатнашишга бел боғлашди. Ҳаммаси кутилгандек бўлди. Сидқидилдан қилинган саъй-ҳаракатлар чет эл жамғармасининг грант ютуғини қўлга киритишига сабаб бўлди. Ва бу маблағ ҳисобидан маҳаллада аёллар учун 60 та иш ўрни очилди.

“Эко-халос” ташкилотининг изланишлари ҳам бесамар кетмади. Ташкилот раҳбари хоразмлик таниқли олим Рўзимбой Эшжонов томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлар туфайли экинлар ҳосилдорлигини яна 20-30 фоиз кўтариш истиқболлари очилди. Жамиятнинг бу каби хайру савоб ишлари ва бунинг баробарида эришилган натижалар анча салмоқли.

Олим-тадқиқотчиларнинг фойдали тадбири тез орада хорижликлар эътиборини ўзига жалб этди. Германиялик халқаро Конрад Аденауэр жамғармаси “Эко-халос”га яхшигина совға ҳадя қилди. Жамият ўқув тадқиқот маркази учун муҳташам бино қуриб берилди. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикаси маъмурияти ҳам қараб турмади. Нодавлат-нотижорат ташкилоти учун ҳар иккала минтақадан махсус тажриба далалари ажратиб берилди. Шу ўринда вилоят “Ҳуқуқшунос аёл” уюшмасининг фаолиятини ҳам таъкидламоқ жоиз. Атиги уч йил муқаддам юзага келган ушбу ташкилот вилоятда аёллар ҳуқуқи, оила-турмуш масалалари бўйича ўнлаб илмий-амалий анжуманлар ўтказди. Ҳозир уюшмага маҳаллий ҳокимият ва маъмурий идоралар ҳам мурожаат қилиб, ҳуқуқий ва амалий мадад олишяпти. Ташкилотнинг фаол ҳаракати қисқа фурсат ичида хорижий ташкилотнинг иккита грант маблағини ютиб олиш имконини берди.

Вилоят Адлия бошқармасидан олинган маълумотга қараганда ҳозир воҳадаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари сони 130 га етди. Бироқ, уларнинг фаолияти сарҳисоб қилинса, аксарияти ҳали-ҳануз ишга киришмагани аён бўлади. Давр талаби ўзгача. “Олма пиш, оғзимга туш” қабилида иш тутиладиган замонлар аллақачон ўтиб кетган. Фактлар вилоятда давлат рўйхатидан ўтган 130 та нодавлат-нотижорат ташкилотининг бор йўғи 30 га яқини фаоллик билан ишлаб, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликка қўл берганини тасдиқлайди. Хўш, қолганлари-чи? Куни кеча нодавлат ташкилоти раҳбари мақомидаги ҳамкасбимизнинг сўзларига қулоқ тутдим. Аён бўлдики, ташкилот ҳамон фаолиятсиз. Кучи ва имкони мавжуд бўлса-да, уни ишга солишга деярли уриниб кўрмаган. Фақат маҳаллий идора ва хорижий ташкилотлар мададига кўз тиккан кўйи кун ўтказяпти. Афсус.

“Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун мамлакат ижтимоий ҳаётини янада жонлантириш, демократиялашуви жараёнларини кучайтириш, бозор муносабатларини фаоллаштиришда катта аҳамият касб этади. Назаримизда, республикамиз ижтимоий-иқтисодий турмушини барқарорлаштиришга салмоқли улуш қўшиши мумкин бўлган кўпгина жамоат ташкилотлари мазкур қонунда кўзда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳамон унумли фойдалана олишмаётир. Нуқул бировларнинг мадади ва раҳнамолигига кўз тикиш билан муддаога етишолмаслигимиз аниқ. Энг катта мадад ва кўмакни ўз салоҳиятимиз, билим ва малакамиздан ахтармоғимиз лозим. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Иссиқ қўлини совуқ сувга уришни хоҳламаган нодавлат-нотижорат ташкилотларидан бири вилоятдаги ўзга бир маҳкамадан “чой-чақа” ундиришга муваффақ бўлади. “Ҳомий” ҳам анойи эмас. Берган озгина маблағи эвазига ўша жамоат ташкилотини чоҳга ташлашу ўзи мўмай манфаат топиш пайига тушади. Бу сингари “ҳомий”ларга куни қолмаслик учун, албатта, ҳаракат қилиш даркор. Зеро, қонун жамият манфаатларини ҳам, шахс ва жамоалар манфаатларини ҳам бирдай ҳимоя қилади.

Истиқлол руҳи жамият ва халқнинг олижаноб мақсади онгимиз ва шууримизни муттасил бойита борсагина салоҳиятимизни намоён эта оламиз. Замона фидойиси бўлмоқ учун эса қалбимиз ҳам, вужудимиз ҳам яшармоғи зарур.

**Абдулла СОБИРОВ,
“Пресс-мадад” маркази раиси
Хоразм вилояти**

**Истиқлол**

# ИЛТИЖО



**Тарихда “Октябр тўнтариши” деб ном олган машъум воқеа рўй берган 1917 йилда миллий истиқлолчи, Туркистон озодлиги учун толмас курашчи Абдурауф Фитрат “Юрт қайғуси” сарлавҳали тўртта битик яратган экан. Улар муаллифнинг 2000 йил “Маънавият” нашриётида чоп этилган “Танланган асарлар”и биринчи жилдида жамланган. Битиклар турли жанрларда бўлиб, бири аруз вазнидаги ғазал (29 декабр), бири мансура (28 июль), иккитаси сочма шеър (18 август, 31 август)дан иборат.**

**Эътибор берган бўлсангиз, сочма шеърлардан бири Петербургда Октябрь тўнтариши рўй бергандан 6 кун сўнг яратилган (У “Темур олдинда” деб изоҳланган, қуйида эълон қилинаётир). Маълумки, ўша тўнтариш бутун инсоният тарихини ўзгартириб юборди, 73 йиллик истибдодга йўл очиб, қизил империянинг шафқатсиз юришини таъминлади. Ана шу сиёсат туфайли Туркистоннинг бошига ҳам кўп шўришлар тушди. Миллий қадриятларимиз, жумладан, буюк Амир Темур шахси оёқ ости қилинди. Атоқли маърифатпарвар шу талотўпларни олдиндан сезгандек, Темур руҳига мурожаат қилади, ундан мадад сўрайди. Сочмада Ватан ва миллатнинг оғир асоратда қолгани, шаъни топталгани эҳтирос билан ифодаланади. Ватан, бу Амир Темур хоки осойиш топган тупроқ эди, миллат эса, сочмада “ўзбек кўзлари” “турклик қони”, “турк номуси”, “турклик” сингари тушунчалар билан ифодаланган. Маълумки, ҳозирги чегаралардаги давлат 1925 йилдан сўнг Ўзбекистон, ундаги асосий аҳоли ўзбеклар сифатида расмий истилоҳга кирган. Шунинг учун Фитратнинг сифатлашлари ўқувчида англашилмовчилик туғдирмаслиги лозим. Қолаверса, унинг бу хил қарашлари шўро мафкурачилари тамонидан пантуркизм деб қаралганди ва унга “миллатчи” тамғасининг қўйилишига сабаб бўлди.**

**Абдурауф Фитратнинг бошқа асарлари каби бу сочмада ҳам эркинлик, озодликка бўлган оташин иштиёқнинг ҳарорати ловуллаб турибди.**

# ЮРТ ҚАЙҒУСИ

**Абдурауф ФИТРАТ**

## Темур олдинда

*Бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим синиқ, бўйим букук. Сенинг зиёратингга келдим, султоним! Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим, ҳоқоним!*

*Юз йиллардан бери жафо кўруб, ғам чекиб келган туркнинг қонли кўз ёшларин этакларинға тўкарга келдим. Қоронғулар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олгали келдим. Номусини бад кишиларнинг оёғлари остинда кўриб, турклик қони қайнағай, мусулмонлик ҳамияти тошғай, тамуғ оловлари каби сачрағай. Лекин ўз кучсизлигини англаб қайтиб ўтирган ва қон йиғлаган туркнинг ҳолини арз этарға келдим, ҳоқоним!*

*Улуғ ҳоқоним! Турклик шарафи таланди. Турк учун қуйдиғик давлат битди, турк отиға қуйдиғик ҳоқонлик ёғмага кетди. Туркнинг номуси, эътибори, иъмони, виждони золимларнинг оёғи остинда қолди. Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи, Турони ёт қўлларға тушди. Туркнинг белгуси, онги, ўйлови, зийраклиги жаҳолат ўлжасига кетди. Сенинг қиличинг билан дунё эгаси бўлган турк тинчгина бир ёток тополмай қолди. Сенинг кучинг билан дунё хўжаси бўлган турк қарлуқ темурларига кирди.*

*Ҳоқоним! Туркликка хиёнат қилганлар турк бўлсалар ҳам қонларини оқитмоқ сенинг муқаддас одатингдур, ётма, тур! Сенинг омонатингга хиёнат қилганларни эз, ур, ўлдур!*

*Султоним! Биламан, шу тобда сенинг у юксак ва улуғ руҳониятинг мен каби тубан руҳли ва ҳимматсиз бир боласининг шу ҳолига ғазабли кулиб турибдир. Биламан, шу чоғда сенинг тўлқинли денгизларга ўхшаган юрагинг мен каби юраксиз бир ўғлининг шу кўринишидан нафрат қиладур. Чунки юқорида айтдигим ишларнинг ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини ўзим қилдим. Сенинг Туронингни ўзим талатдим. Сенинг туркингни ўзим эздирдим, омонатларингга хиёнат ўзим қилдим.*

*Мен уч кунлик умримни тинчгина ётиб ўтказмоқчи бўлмаса эдим, шуларнинг биронтаси бўлмас эди. Мен қўлимга топширдиғинг қилични ташлаб, чолғуни олмаса эдим, Туроним таланмас эди!..*

*Мен ёлғиз қонли кўз ёшларимни бу сағанангга тўкмак учун эмас, ўз ёзиқларимни (гуноҳларимни) иқрор этарга келдим, ҳоқоним. Мени қўйма! Мен ёлғиз ёзиқларимни иқрор этарга эмас, Туронга бердигим зарарларни тўламоқ учун келдим, ҳоқоним. Мендан нафрат этма!*

*Эй, арслонлар арслони! Меним ёзуқларимдан ўт. Меним қўлимни тут. Белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер!*

*Сенинг дунёда сиғмаган ғайратингга онт ичаманки, Туроннинг эски шараф ва улуғлигини қайтармасдан бурун оёқдан ўтирмасмен (тўхтамасмен).*

***“Ҳуррият”, 1917 йил, 31 октябрь***

**«Ҳуррият»ни самода ҳам ўқишмоқда**



**2003 йил давомида «Ҳуррият» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.**

**Суҳбат**

# «УШЛАНГАН ШАХС ЎША ЗАҲОТИ АДВОКАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ»,

**дейди Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи Алишер ШАРАФИДДИНОВ**

*2000 йилда "Ёшлар" телеканалидаги "Ҳуқуқ ва бурч" кўрсатувининг бир нечта сонини жиноий жазоларни либераллаштириш мавзусига бағишлагандим. Шу туфайли бўлса керак, мени 2001 йил январ ойида Самарқандда ўтказилган аёллар ҳуқуқи масалаларига оид халқаро анжуманга таклиф қилишди. "Мамлакатимизнинг бош терговчиси" Алишер ака Шарафиддиновни илк бор ўша ерда учратганман. Анжуманда айрим "прогрессив" аёллар томонидан "аёл киши ўз ҳуқуқини билиши, агар эри урса, уни судга бериб, қаматиши керак" деган шиор кўтарилганди. "Аёл киши эрини қаматиб, кўзланган мақсадига эришолмайди, бошқача йўл тутиш зарур" деган нуқтаи-назарда Алишер ака билан фикрларимиз бир жойдан чиққанди. У киши билан суҳбатлашган ҳар қандай шахс теран фикрлари, оқилона сўзларини эшитиб, маънавий завқ-шавқ олишига шубҳа йўқ.*

**— Алишер ака, отангиз Озод Шарафиддинов "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвон соҳиби. Сиз падари бузрукворингизга қуйиб қўйгандек ўхшайсиз, борган жойларингизда сизни танишади. Бу эса киши ҳар жойда масъулиятни ҳис қилишига олиб келади, шундай эмасми?**

— Албатта, чунки ҳар томонлама муносиб фарзанд бўлиш кишига алоҳида масъулият юклай-

*(Давоми 2-бетда)*

**Сўзсиз сурат**

Рашид АБДУЛЛО чизган



**Хабар**

# ДЕНОВДАГИ МУЛОҚОТ

Очиқ Жамият Институти — Кўмак Жамғармаси — Ўзбекистон ваколатхонаси ёрдамида фаолият кўрсатаётган "Мулоқот" журналистлар клубининг бу галги семинари Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида бўлиб ўтди.

Мулоқот "2001 йилнинг 11 сентябридан сўнг оммавий ахборот воситалари" мавзуида бўлиб, иштирокчилар айни шу масалада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Маълумки, 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда содир этилган террористик ҳаракат дунёнинг сиёсий манзарасига катта таъсир ўтказиши билан бирга ОАВ фаолиятида ҳам туб бурилиш ясади. Оммавий ахборот воситалари лексикасида информацион кураш, ахборот хуружи, манфаатлар тўқнашуви каби қатор иборалар пайдо бўлди. Бу эса информацион "портлаш" рўй бераётган глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситалари зиммасига янада улкан масъулият юклаши баробарида, тезкор ва шиддатли тараққиёт билан ҳамоҳанг қадам ташлашни тақозо этмоқда.

Семинарда кўтарилган масалалар маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳамда "Чағониён" газетаси тажрибаси мисолида таҳлил этилди. Денов тумани ҳокими Абдулҳаким Эшмуродов бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни масаласида гапирар экан, матбуот ўрни келганда маҳаллий ҳокимият фаолиятида катта ёрдам беришини таъкидлаб, бу борада бир неча мисоллар ҳам келтирди.

**Мухбиримиз**

**Мулоҳаза**

# ЖУРНАЛИСТ ДОН КИХОТ ЭМАС

***Ўрта асрларда Испанияда атоқли адиб Сервантес ёзган машҳур “Дон Кихот” романи дунёда энг кўп тарқалган ва ҳозир ҳам севиб ўқилаётган асарлардан биридир. Ўйлайманки, юртимиз қаламкашлари орасида ҳам уни ўқимаган одам бўлмаса керак.***

Бу романнинг мазмуни ва аҳамияти ҳақида ёзиш ниятим йўқ. Гап фақат шундаки, кўпчилик журналистлар, айниқса, танқидий, ҳажвий мавзуларда ва шунга ўхшаш турли жанрларда қалам тебратаётганлар одатда Сервантес асари қаҳрамонидек кўп қийинчиликларни енгиб, олижаноб, эзгу ният билан, берилиб меҳнат қиладилар. Маълумки, кўнгли яхши мақсад-муддаолар билан тўлиб тошган Дон Кихот кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хаёлларигина эмас, ҳаракатларининг натижаларини кўрмайди ва ўша шароитда кўриши ҳам мумкин эмас эди. Мана бу жиҳатдан олган замондош қаламкашлар Дон Кихотдан бутунлай фарқ қиладилар. Улар рўй берган салбий ҳолатларни тузатиш учун қўлларига қалам олибгина қолмай, кунт-сабот билан интиладилар. Лекин улар ҳам баъзи ўзлари кутган натижаларга эриша олмайдилар.

Баъзи мисолларга мурожаат қилайлик. Вилоятимиз "Фарғона ҳақиқати" газетасининг 2002 йил, 22 октябрь сонида тажрибали журналист Тошқўзи Муллаевнинг Бувайда туманидаги чорвачиликнинг оғир аҳволи юзасидан далилларга бой, муаммолари озми-кўпми таҳлил қилинган ва, энг асосийси, аниқ фактларга асосан ёзилган мақоласи ҳозиргача тергов органлари томонидан текширилмоқда. Бу танқидий мақола тумандаги бир қатор чалкашликлар ва чорвачилик соҳасида рўй бераётган жиддий нуқсонларни очиб ташлашга бағишланган эди. Уни муҳокама қилиб, тегишли чоралар кўрилганда журналистнинггина эмас, балки газетхонларнинг ҳам кўнгли тўқ бўлмасмиди?

Истеъдодли шоира ва ёзувчимиз Матлуба Деҳқон қизи Фарғона туманидаги "Саткак" зиёратгоҳи атрофида қалтис, нораво ишлар бўлаётгани ҳақида вилоят аёлларининг "Ойдин" газетасида чиққан эди. Афсуски, унда келтирилган фактлар ҳам текширилмади ва кўрилган чоралар ҳақида газетада ҳеч қандай хабар босилмади.

Шу йил "Фарғона ҳақиқати" газетасининг 1 апрелдаги сонида тажрибали журналист Дониёр Эргашевнинг "Интизомсизликми ёки масъулиятсизлик" мақоласи босилган, унда Қўқон ёғ-мой корхонасида фермерларга кунжара ва шелуха сотишдаги жиддий нуқсонлар фош қилинган эди. Икки ойгача газетанинг бу чиқиши ҳақида ҳеч қандай гап-сўз бўлмади. Ва, ниҳоят, газетанинг 27 май сонида ўша корхонанинг директори А. Тошматовнинг таҳририятга юборган жавоб хати "Имконият қидирилмоқда" сарлавҳаси остида босилди. Аммо бу жавоб шундай бўлдики, у на муаллифни, на газетхонни қондирди.

Водий аёлларининг газетаси "Ойдин"нинг юқори малакали муҳаррири, истеъдодли журналист Маҳфузахон Усмонова яқинда, аниқроғи, "Ойдин"нинг 2003 йил 15 апрелдаги 8-сонида "Тошни шайтонга эмас, "Мен"га от" сарлавҳаси остида ўткир публицистик мақола билан чиққан эди. Газетанинг бу чиқиши қаламкашлар даврасида шов-шувларга сабаб бўлган бўлса-да, лекин биз кутганимиздек чуқур таҳлилий муҳокамаларга, баҳс ва тортишувларга сабаб бўлмагани, албатта, ачинарли ҳолдир. Наҳотки, муаллифнинг шундай гўзал орзулари, эзгу ниятлари, машаққатли хатти-ҳаракатлари ҳаммаси зое кетган бўлса?

Шунга ўхшаш фактлардан яна бир қанчасини келтириш мумкин. Лекин бунинг кераги йўқ деб ўйлайман. Шу нарса ачинарлики, баъзи амалдорлар "журналистлар ёзаверади, биз ўқийверамиз, ҳаёт ўз йўлида давом этаверади" деб ўйлайдилар шекилли. Йў-ўқ! Журналистлар сабр-тоқатли бўлсаларда, ўзлари ёзган нарсаларга тўғри муносабатда бўлинишини кутишга ҳақлидирлар. Чунки бу борада махсус қонунлар бор. Хайриятки, вилоят ҳокимлиги бу борада муносиб позиция тутади.

Юқорида вилоят ҳаётидан олинган мисоллар келтирилди. Лекин пойтахтда нашр қилинаётган айрим газеталарда босилган баъзи бир танқидий мақолалар ҳам жавобсиз қолмоқда. Биргина мисол келтираман. "Ҳуррият" газетасининг 15 январ 2-сонида босилган журналист Ҳабибулло Олимжоновнинг "Полковникнинг изтироби" сарлавҳаси билан ёзган мақоласи Фарғонада катта қизиқиш билан ўқилган эди.

Менинг ушбу мақола тўғрисидаги билдирилган фикрларим "Ҳуррият" газетасининг 5 феврал сонининг биринчи саҳифасида эълон қилинди. Аммо бу чиқишлар юзасидан ҳозиргача тегишли ташкилотлар, жумладан, республика Олий судининг мутасаддилари умуман фикр билдирмадилар. Гўёки, бу мақоланинг уларга ҳеч қандай алоқаси йўқдай! Ақалли, "Бу мақола юзасидан фалон сабабларга кўра ҳеч қандай чора кўрилмайди" деган кўнгилсиз хабар ҳам босилмади.

Журналист ўз чиқишлари билан жамоатчилик фикрини ифодалашга, газетанинг обрў-эътиборини оширишга ҳаракат қилади. Бундан яқин беш юз йил илгари Сервантес ёзган романни ўз давридаги ёрқин пародия дейиш ҳам мумкин. Унинг олижаноб, соф қалбли қаҳрамонига ҳам раҳминг келади, ҳам унинг саргузаштларини ўқиб, устидан беихтиёр кулишга мажбур бўласан. Биз XXI аср одамларимиз. Бу асрда матбуот, қалам аҳли ўзига муносиб ролни, албатта, ўйнайди. Бу шубҳасиз. Ким нима демасин, барибир журналистни Дон Кихотга ўхшатиб бўлмайди. Чунки у реал воқеликда, чин мустақиллик шароитида жонажон халқига астойдил меҳнат қилади ва меҳнатларининг натижасини кутади.

**Воғиз МУЗАФФАРОВ,
кекса журналист
Фарғона шаҳри**

